

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛГАН ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Рахат Мирзамуратович Хожанов**

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти  
магистранти

**Бектурди Суюнбаевич Турдимуратов**

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти  
магистранти

**Узақбай Турдибаевич Байназаров**

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти  
магистранти

### АННОТАЦИЯ

Шоли дони бошқа донларга солиштирганда, пишиш даврида ўрим-йиғим, ташиш, йиғиб олингандан сўнг донга ишлов бериш ва сақлаш даврида ноқулай шароитларга тушганда кўпинча ҳар хил макро ва микрошикастликлар пайдо бўлиши кузатилади, натижада уларнинг технологик кўрсаткичлари айниқса бутун гуруч чиқимини кескин пасайтиб юборади.

**Kalit so'zlar:** nav, qurg'oqchilik, shishasimon, sho'rланish, hashorat, kasallik, hosildorlik.

### ABSTRACT

Compared to other grains, when rice grain is exposed to unfavorable conditions during ripening, harvesting, transportation, post-harvest grain processing and storage period, many different types of macro and micro damages are observed, thus their technological indicators drastically reduce the output of rice.

**Keywords:** variety, drought, vitreous, salinity, pests, disease, fertility.

### КИРИШ

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида янгидан яратилган шоли навлари юқори ҳосил тўплаши билан бир вақтда донининг технологик сифат кўрсаткичлари, озиқ-овқат ва кулинариялик хоссалари жаҳон бозори талаблари мос равишда юқори кўрсаткичларга эга бўлиши лозим.



Қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга жадал ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда Юртбошимиз раҳбарлигида соҳада бозор реформаларини кенгайтириш натижасида, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасининг ривожланиб бораётганлиги, соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг замановий инновацион сув ва ресурсларни тежайдиган технологияларнинг жадал тарзда кириб келаётганлиги, эришилаётган юқори натижаларда асосий ўринни эгалламоқда [1].

Дунё бозорида шоланинг энг қимматлиси узун гуручли юқори шишасимонликка эга бўлган навлари ҳисобланади. Бугунги кунда ер ва сув ресурсларининг чекланганлигини ҳисобга олиб, шолчилик самарадорлигини ошириш ҳамда республикада яратилган истиқболли навларнинг биологик хусусиятларидан тўлиқ фойдаланишда илм-фан соҳасида ишлаб чиқилган янги самарали агротехнологияларни амалиётга кенг жорий қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалалари бири ҳисобланади [4].

Истиқболли шоли навларини кўз билан кўриб баҳолаганда биринчи навбатда кўзга ташланаётган кўрсаткичларга доннинг шакли ва унинг ўлчами киради. Доннинг шакли доннинг узунлининг энига нисбати бўйича ҳисобланади.

Барча давлатларда шоли навлари узун гуручли, ўртача узунликдаги ва калта юмолақ гуручли навлар бўлиб бўлинади. Узун донли сортларда доннинг узунлиги (L) энини (b) нисбати ( $Lb=3$ ) учдан юқори. Ўртача донли навларда бу кўрсаткич 2,0 – 2,9 га тенг бўлади, юмалоқ донли навларда 1,6 – 2,0 га тенг. Шоли донининг технологик кўрсаткичлари, навдорлик белги бўлиб, уларга доннинг шакли, йириклиги, қобиклиги, тиниқ ва шишасимонлиги, синишга мойиллиги, умумий ҳосилнинг (ёрма), шундан бутун гуручнинг чикими бўйича бир-бирдан ажралиб туради [2,3].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУҲОКАМА

Ерни тайёрлашда - дастлаб майдон бегона ўтлардан тозаланиб, 1 сотих майдонга 180–200 кг (10 сотихга 1,8–2 т) чириган, тоза гўнг солинди. Ер 15–20 см чуқурликда юмшатилиб, йирик кесаклар майдаланди, яхшилаб текислангач пол олинади ва сув бостирилди. Экишдан олдин челлар 4–6 см қалинликда сув билан бостирилади. Қаторлар ораси 15 см, уялар ораси 10 см, ҳар бир уядаги уруғ сони 3–4 та. Экилгандан кейин полдаги сув сатҳи 10–15 кун давомида 5–8, кейинчалик 10–12 см бўлиши керак. Шоли азотли (карбамид, сульфат аммоний), фосфорли (аммофос) ва калийли ўғитлар билан уч марта озиклантирилади. Вегетация даврида 1



сотихга 0,4 кг (10 сотихга 4 кг) меъёрда биринчи озиклантириш, кўчат 8–9 та барг чиқарганда 1 сотихга 0,3 кг (10 сотихга 3 кг) меъёрда иккинчи озиклантириш ва бошоқлаш даврида 1 сотихга 0,3 кг меъёрда учинчи озиклантириш ўтказилади. Шоли майдони бегона ўтлардан доимий равишда тозалаб турилади.

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Тадқиқотлар олиб боришимиздан асосий мақсад, шоли навлари донининг технологик кўрсаткичлари бўйича баҳоланиб таҳлил қилиш ва энг яхши натижага эга бўлган намуналарнинг мослашувчанлиги ўрганиш

Ўрганилган навлар донининг технологик кўрсаткичлари бўйича баҳоланиб таҳлил қилинганимизда энг яхши натижага эга бўлган намуналар бизнинг шароитимизга мослашганлигини кўрсатди.


Олинган маълумотларга қараганда танлаб олинган навлар донининг тиниқлиги ва қобиклилиги кўрсаткичлари бўйича қониқорли миқдорга эга эканлиги маълум бўлди.

Энг ўта қобикли шишасимон гуручли навларга Санам, Жайхун, Гулситон навлари киради. Бу кўрсаткич андоза навларда 17 – 19 % оралиғида бўлди. Навлар донининг қобиклилиги кўрсаткичи қанча юқори бўлса, улардан шунча умумий ёрма чиқими миқдори кам бўлиши илмий жиҳатдан исботланган.

Илмий тадқиқотларда шоли дони қанчалик йирик бўлса, унинг қобиклилик миқдори шунчалик кам бўлади. Бизнинг тажрибаларимизда ўрганилаётган шоли нав намуналаримизда ҳам шундай қонуният сақланиб қолди. Ўта қобикли нав намуналарининг умумий ҳосили (ёрмаси) чиқими қалин қобикли навларга солиштирганда анча кўп бўлди. Доннинг қобиклилик кўрсаткичи навдорлик белгиси бўлиб, доннинг гул қобиғининг умумий ҳосилининг миқдorigа нисбати фоиз ҳисобида аниқланиб ўрганганимизда бу кўрсаткичнинг миқдори 16,0% дан 20% оралиғида бўлди.

Шоли донининг синиш даражасининг миқдори навдорлик белги бўлгани билан бу кўрсаткичга ташқи муҳитнинг ҳамда шолини экиб парваришlash технологияси катта таъсир кўрсатади. Бу кўрсаткич танлаб ажратиб олинган навларда ҳархил миқдорда бўлиб навдорлик белги эканлиги аниқланди.





**Расм.1. Шоли навларида сифат кўрсаткичларининг таҳлили**

Шоли донининг технологик кўрсаткичлари ичида синиб ёрилиши гуручнинг шлифовкаланганда уларнинг эндоспермасининг зичлигининг механик таъсирга чидамлилигини белгиловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Шоли дони бошқа донларга солиштирганда, пишиш даврида ўрним-йғим, ташиш, йиғиб олингандан сўнг донга ишлов бериш ва сақлаш даврида ноқулай шароитларга тушганда кўпинча ҳар хил макро ва микрошикастликлар пайдо бўлиши кузатилади, натижада уларнинг технологик кўрсаткичлари айниқса бутун гуруч чиқимини кескин пасайтиб юборади.

Ўрганилаётган шоли навлари бу кўрсаткичнинг миқдорига қараб Оролбўйи ҳудудида қанақа мослашганлигини аниқлашга бўлади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитларида шоли донини қайта ишловчи корхоналар шоли донининг технологик кўрсаткичларига юқори талаб қўймоқда. Айниқса, синиб ёрилиши кам, эндоспермаси тифиз тиниқ шишасимон гуручли навларни юқори баҳолайди. Сабаби, бундай гуручларнинг кулинариялик баҳоси яхши бўлиб, бир-бири билан ёпишиб қолмайди, яхши бир текис ёйилиш, сув синдириш аҳамиятига эга, тами ва мазаси жуда яхши бўлади. Ўрганилган нав намуналарининг шишасимонлиги 85% дан 100% оралиғида бўлди (расм-1.).

Бизнинг танлаб ажратиб олиб ўрганган навларимизнинг умумий ҳосил чиқими 70% дан 76% оралиғида бўлди. Бу кўрсаткич бўйича энг яхшиси Санам ва Алмаз навларида кузатилди. Нав намуналарини баҳолаганимизда асосий кўрсаткич умумий ҳосил чиқими (ёрма) ва ундан бутун гуруч чиқими бўлиб ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Шоли навлари донинг қобқилиги, шишасимонлиги, синиб ёриловчанлик кўрсаткичларининг барчаси деярли умумий ҳосил чиқимиға (ёрма), шу жумладан бутун гуруч чиқимиға ўз таъсирини кўрсатиши аниқланди.

Барча технологик кўрсаткичларини ҳисобға олиб қимматли-хўжалик белгилар юқори бўлган нав яратиш мақсадида ушбу нав намуналарини ота-она жуфтларни чатиштириш ишларини олиб боришда фойдаланишни тавсия этамиз.

## REFERENCES

1. Ózbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 12-dekabrdagi “Sholichilikni rivojlantirishga doir qóshimcha chora-tadbirlar tógrisida”gi 986-sonli qarori.
2. Костылева Л.М., Францева Н.В. Анализ взаимосвязи между признаками, характеризующими технологические свойства зерна и крупы риса. // Вестник аграрной науки Дона. 2(13), 2013, С. 68-73.
3. Плешкова Б.А. Качество рисового зерна. // М. «Колос». 2007. 84 с.
4. Эгамназаров А. Шоли сувни хуш кўради. // Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. Тошкент, 2005. №7.17 б.

